260396


*Ўзбекистон — келажаги буюк давлат*

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

22 март, жума, 1996 йил
Сотувда эркин нархда. № 58 (1311)


## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ АЙЁМИДАГИ ТАБРИК СЎЗИ



***Азиз ватандошлар!***

***Дўстлар, меҳмонлар!***

***Аввало, юртимизга энг кўҳна, энг гўзал ва табаррук айём — муборак Наврўз кириб келгани билан муборакбод этаман.***

***Ҳар бир халқ, ҳар бир миллатга баҳо беришдан аввал унинг урф-одатларига, байрамларига баҳо берилади.***

***Ота-боболаримиз азалдан вужуд-вужудларига сингиб кетган бу илоҳий байрамни интизорлик билан, зўр шоду хуррамлик билан қарши олганлар. Бу қадимий ва муқаддас заминимизда неча-неча минг марта муборак Наврўз тонглари отган.***

***Янги фасл — янги йилнинг муқаддимаси бўлмиш бу шарофатли кунда она табиат уйғонади. Еру кўкда яшариш ва янгиланиш бошланади.***

***Наврўз асрлар давомида биз учун эзгулик, ҳурлик, озодлик тимсоли, инсон юрагида олижаноб ва ёруғ орзу-умидлар куртак очадиган фасл бўлиб келган.***

***Яқин тарихимизда — бизларнинг нафақат қўл-оёғимизни, балки онгимизни, шууримизни, миллий ғуруримизни кишанбанд қилган мустабид даврда юртимизнинг азалий Наврўз байрамига қанчадан-қанча маломат ва ҳақорат тошлари отилди.***

***Шунга қарамасдан бу улуғ айём халқимиз қалбининг тўрида яшади. Ҳеч қандай ёвуз куч ҳам уни юрагимиздан юлиб ололмади.***

***Бунинг учун иродаси тоғдай бақувват, иймони пок, диёнати бутун халқимизга ҳар қанча тасаннолар айтсак, ҳар қанча таъзим қилсак арзийди.***

***Чунки Наврўз халқимизнинг асл миллий байрамидир. У биз кимларнинг авлоди эканимизни, қандай улуғ ва бой мерос ворислари эканимизни, қандай беқиёс салоҳият соҳиблари эканимизни жумлаи жаҳонга яққол намоён қиладиган маънавий бир кўзгудир.***

***Бугун Наврўзи олам маънавиятимизнинг ажралмас қисми сифатида ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олди.***

***Мустақиллик даврида кечирган беш йиллик ҳаётимизга назар ташласак, бу даврнинг Наврўз байрами маъносига, моҳиятига нақадар ҳамоҳанг, уйғун ва муштарак эканини кўрамиз.***

***Зеро, Наврўз табиат оламининг уйғониши ва яшаришини англатса, Ўзбекистон истиқлоли халқимизнинг, юртимизнинг ижтимоий, сиёсий, маънавий жиҳатдан уйғониб, камолат касб этиб бораётганини англатади.***

***Халқимизнинг не-не мураккаб синовлардан матонат билан ўтиб, янги давлат, янги жамият барпо этиш борасида етиб келган марраларни, тарихимиз, улуғ аллома аждодларимизнинг мўътабар номларини, муқаддас қадриятларимиз, шаъну шавкатимизни тиклаганимизни яна бир бор англатади ва таъкидлайди.***

***Юртимизга ёруғ кунлар кириб келаётганидан дарак беради.***

***Азиз дўстлар!***

***Наврўз ўз моҳияти билан хурсандчилик байрами. Гина-кудратлар, хафагарчилик ва ўзаро аразлар унутиладиган байрам. Наврўз кўнгиллардаги ғуборни ювади, ғам-ғуссани кетказади, янги умидлар бахш этади.***

***Бу байрамнинг яна бир улуғ фазилати шундаки, у барча яхши ниятли кишиларни ўзаро яқинлаштиради, бирлаштиради, ҳамкору ҳамнафас қилади.***

***Яхшиликни, дўстликни ҳамма нарсадан устун қўядиган диёнатли, иймонли халқимиз барча яқин ва узоқ қўшни биродарларига бағрини кенг очади. Ўзбекистонни ўз юртим, ўз Ватаним деб яшаётган ҳар бир инсон билан, уларнинг миллати ва эътиқодидан қатъий назар, дўстона, аҳил бўлиб яшайди. Ўзбекистон деган бу саховатли ва бетакрор замин ҳаммага баробар ризқ-рўз сочади.***

***Шунинг учун ҳам бугун мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва тотувлик, энг асл фазилатлар соҳиби бўлмиш халқимиз олижаноблигининг яна бир тасдиғи, яратганимизнинг инъоми деб айтсак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.***

***Азиз дўстлар!***

***Биродарлар!***

***Бугун халқимизнинг азалий удумига амал қилиб, ушбу гўзал айёмнинг ҳақиқий эгалари бўлмиш заҳматкаш деҳқонларимизга алоҳида ҳурматим ва муҳаббатимни изҳор этиб айтмоқчиман.***

***Янги мавсумингиз ҳам баракали бўлсин, хайрли бўлсин!***

***Меҳнатингиз унумли бўлсин!***

***Ерга қадаган уруғларингиз бехато униб чиқсин!***

***Азиз юртдошларим!***

***Бугун Наврўзи олам қутлуғ куни бутун Ўзбекистон аҳлига — нуроний оталаримизга, дуогўй оналаримизга, мунис аёлларимизга, ўғил-қизларимизга, мен чин қалбимдан тилакларимни айтмоқчиман.***

***Илоё, бугунги наврўзий кайфиятингиз йил бўйи давом этсин!***

***Ҳар бир кунингиз Наврўз бўлсин!***

***Юртимиздан барака аримасин!***

***Ҳар бир оила буюк Амир Темур бобомизнинг қўрғони каби мустаҳкам бўлсин!***

***Ҳар бир хонадоннинг дастурхони тўкин-сочин бўлсин!***

***Ҳар бир инсоннинг бахту саодати зиёда бўлсин!***

***Наврўзингиз муборак, азиз ватандошларим!***

***Бугунги қутлуғ Наврўз тонгида менинг Оллоҳдан яна бир тилагим бор: кириб келаётган янги йилда Ўзбекистон заминида, ҳар қайси оила, ҳар қайси хонадонда тўю томошалар, қувончли кунлар кўпроқ бўлсин. Мен ҳам шу кунларда хизматингизда бўлай, шундай хурсандчилик кунларни халқим билан бирга баҳам кўрай!***

## ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

21 Март куни Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий- техник ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг учинчи мажлиси бўйича ўзаро англашувлар тўғрисидаги Меморандум имзоланди.

Ҳужжатни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов ва Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Пранаб Мукержи имзолади.

Маросимда Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

Ҳужжатни имзолаш чоғида Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Мелкулангара Кумаран Бхадракумар ҳозир бўлди.

**(ЎзА).**

## ОЗОД ВАТАН УЗРА НАВРЎЗ СУРУРИ

### МАМЛАКАТИМИЗДА БУ БАЙРАМ ЗЎР ҚУВОНЧ БИЛАН НИШОНЛАНМОҚДА

Қорлар эриб, сувлар шиддати ортади, заминда унган зангори майсалар, гулу лолалар оламга ажиб муаттар ифор бағишлайди. Хушнуд булбул тилга киради. Дов-дарахтлар чақалоқнинг кафтидек жажжи, беғубор япроқларини ёзиб, инсонларга бахт ва шодлик улашаётгандек.

Элимизга Наврўз келди! Наврўз инъом этган хуш кайфият, байрамона руҳ бугун озод Ватанимизнинг ҳар бир гўшасида ҳукмрон. 21 март. Пойтахтнинг Алишер Навоий номидаги миллий боғи айниқса, ўзгача фусун касб этган.



Ҳазрат Навоий ҳайкали қаршисида беш улкан саҳна барпо этилган. Ранг-баранг байроқлар, безаклар шабадада майин ҳилпирайди. Томошагоҳ пойтахт жамоатчилигига, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан таклиф этилган меҳмонлар, хорижий давлатлар элчихоналари ҳамда халқаро ташкилотларнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари вакиллари билан тўлади.

Соат 11.00. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, республика Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов, Бош вазир Ўткир Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитаси раиси Исмоил Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари, Олий Мажлис Раисининг ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов, бошқа расмий кишилар марказий минбардан жой оладилар.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон халқини қутлуғ баҳор айёми — Наврўз билан муборакбод этиб, табрик нутқи сўзлади.

Байрам шодиёналарини бошлаб берган бу қутловдан сўнг томошагоҳ узра карнай-сурнай ва ноғора наволари янграйди. Ранг-баранг байроқлар кўтарган йигит-қизлар томошагоҳ сарҳадига тизиладилар.

Юртбошимиз республикамизнинг миллий байрамига айланган Наврўз қадим тарихга эгалиги, у бугунги кунда мамлакатимиздаги барча миллат ва элатлар вакиллари томонидан байрам қилинишини таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, эзгулик руҳига йўғрилган, халқимизни жипслаштирувчи Наврўз тўрт минг йиллик тарихга эга. Уни тантана қилиш анъанаси, урф-одати ҳам байрамимиз каби қадимийдир.

Бу йилги байрам томошалари дастлаб Наврўзнинг ана шу кўҳна тарихига бағишланди.

Наврўз дастурхони қадимдан «с» ҳарфи билан бошланувчи етти турфа таом билан безалган. Айниқса, сумалак байрам дастурхонининг кўрки бўлган. Айни кунларда ҳам юртимиз турли шаҳар ва қишлоқларида, маҳаллаларида Наврўз тантаналари чоғида дошқозонларда сумалаклар қайнайди. Бу анъанага халқимиз ўзгача ихлос билан риоя қилади. Бу бежиз эмас. Зеро, узоқ ва яқин ўтмишда Наврўзни байрам қилиш тақиқ этилган, эл-халқ сумалак осган дошқозонлар зўравонлик билан ағдарилган даврлар бўлди. Аммо, халқимиз ўша кунларда ҳам анъаналарини авлоддан авлодга етказиб, уни юрагининг тўрида авайлади.



Қутлуғ истиқлол туфайли Наврўз янада кенгроқ нишонлана бошланди.

Истиқлол Наврўз баробарида халқимизнинг бошқа гўзал анъаналари, урф-одатлари тикланишига ҳам имкон яратди. Республикамиз раҳбарияти демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш учун ана шу бой анъаналарга, буюк аждодларимиз қолдирган маданий меросга таянмоқда. Бу — Ўзбекистоннинг ўзига хос йўлини белгилайдиган омиллардандир. Исмоил Бухорий, ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Амир Темур, Мирзо Улуғбек каби халқимизнинг буюк фарзандлари таваллуд саналари кенг нишонланаётгани фикримизни далиллайди.

Наврўз — бободеҳқон учун заминга уруғ қадаладиган, ҳазрат Навоий таъбири билан айтганда, ризқ йўли очиладиган пайт. Саҳнада бободеҳқоннинг омоч билан ер ҳайдаётган, заминга уруғ сочаётгани акс эттирилган томошаларни кўрганда республикамиз қишлоқ хўжалиги соҳасида эришаётган ютуқлар эсга тушади. Ислоҳотлар самараси ўлароқ, қишлоқларимизга саноатни олиб кириш, қишлоқ хўжалиги соҳасида пешона тери билан етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлашнинг замонавий технологияларини жорий этиш, ғалла мустақиллигига эришиш йўлида улкан ишлар қилинмоқда. Буларнинг барчаси халқимиз дастурхонини тўкин қилиш, унинг турмушини фаровонлаштириш учун қаратилгандир. Буни дилдан ҳис эттан қишлоқ меҳнаткашлари, бодеҳқонларимиз бу йилги Наврўзни ҳар галгидан ўзгача кўтаринки кайфият билан кутиб олмоқда.

Саҳнада Тошкент шаҳри туманлари маҳаллалари мучаллар кетма-кетлигини ифодаловчи рамзларни олиб ўтадилар. Бободеҳқон бу йилги ҳосил учун Оллоҳ таолодан барака тилайди. Иншооллоҳ, эзгу ниятларимиз ижобат бўлғай.

Саҳна узра афсонавий ҳумо пайдо бўлади. Сувда чўкмас, ўтда куймас бу қуш тасвири миллий гербимиздан жой олган. Ровийлар унинг эл-халқни, мамлакатни турфа офатлардан сақлашини, бахт саодат тимсоли эканлигини ривоят қиладилар.

Мамлакатимиз тинчликсевар ташқи сиёсати билан жаҳон ҳамжамиятига кириб бормоқда. Ислоҳотлар илк самараларини бера бошлаган айни пайтда жаҳон давлатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик, минтақамиздаги тинчлик ва барқарорлик, фуқаролар тотувлиги эришилажак янги ютуқларга замин экани аён бўлаётир. Ҳумонинг ҳарир рақси унинг амалга оширилаётган ишлардан шодлигию, диёримизни бундан буён ҳам бало-қазолардан асраб-авайлашдаги қатъиятини ифодалайди.





Наврўз сайли томошаларининг иккинчи бўлими мамлакатимизнинг ўрта асрлардаги шонли тарихини акс эттиради. Саҳнага соҳибқирон Амир Темур ташриф буюради. У музаффар юришлардан сўнг ҳар галгидек Наврўз сайлида иштирок этишни ихтиёр этган. Куч адолатда эканини таъкидлаган улуғ Амир олам элларини тинч-тотув яшашга, омонликка даъват этади.

Миллатнинг дардларига дармон бўл. Улуғ Амир Темур авлодларга қолдирган насиҳатлардан бири шу эди. Хайриятки, миллатимиз ғурури бўлмиш соҳибқирон шахсига ва фаолиятига нисбатан айтилган бўҳтонлар фош бўлиб, унга муносиб ҳурмат-эътибор қарор топмоқда. Юртбошимизнинг фармони билан 1996 йил Амир Темур йили, деб эълон қилинди. Ундан олдинроқ Республика Вазирлар Маҳкамаси буюк соҳибқироннинг 660 йиллигини кенг нишонлаш ҳақида махсус қарор қабул қилган эди. ЮНЕСКО бош конференциясининг 28-сессиясида эса Амир Темурнинг 660 йиллик таваллуд санасини жаҳон миқёсида нишонлашга қарор қилинди. Бу жаҳон маданияти хазинасини битмас-туганмас ганжиналар билан бойиттан она халқимиз ҳиссасининг ўзига хос халқаро эътирофидир.

Айни пайтда мамлакатимизда қутлуғ юбилейга катта ҳозирлик кўрилмоқда. Шу йил апрель ойи охирларида Амир Темур юбилейи Франция пойтахти Парижда — ЮНЕСКО қароргоҳида тантанали нишонланади. Пойтахт Тошкентда эса Амир Темур хиёбонини таъмирлаш, хиёбон яқинида соҳибқирон музейини қуриш ишлари жадал бормоқда. Бундан ташқари, Темурбекнинг она юрти Шаҳрисабзда, салтанати пойтахти Самарқандда улкан бунёдкорлик ишлари давом этяпти.

Наврўз томошаларини ҳозирги замонамиз ифодаланган «Наврўз сайли — Турон карнавали» бўлими ниҳояйлайди. Само узра ҳаво шарлари, варраклар парвоз қилади. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар бадиий ҳаваскорлик гуруҳлари Наврўз ва она Ўзбекистонимизни, истиқлолни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар, ашула ва рақслар, композициялар ижро этадилар.

Шу лаҳзада ҳазрат Алишер Навоий ҳайкали алоҳида эътиборни тортади. Ҳазрат биз билан бирга тантаналарни кузатиб, турфа ранглар, шодиёналардан хушнудлик туяётгандек.

Ҳа, она диёримизда юз бераётган туб ўзгаришлар, ислоҳотларнинг илк натижалари, анъаналаримиз тикланаётгани кишини мамнун этади. Шу ўринда юртбошимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Президенти сифатида эълон қилган илк фармони Наврўзни умумхалқ байрамига айлантириш тўғрисида бўлганини эслаш жоиз.

Қадимий байрамимиз ўзаро тотувлик, дўстлик, хайру саховат намойиши ҳамдир. Президентимизнинг Наврўз арафасида иш ҳақи, пенсиялар ва стипендияларнинг миқдорини ошириш тўғрисидаги фармони ҳам қадимий гўзал урфларимизга садоқатни ифодалайди. Бу тадбир халқимизнинг байрам кайфиятига кайфият қўшмоқда.

Томошалар ниҳоясида Наврўз иштирокчиларини суҳбатга тортамиз.

— Мен Америка Қўшма Штатларининг Калифорния штатиданман, — дейди Беркли университети докторанти Лора Адамс хоним. — Икки ойдирки, Ўзбекистондаман. Мен ўзбек халқининг замонавий байрамлари ҳақида докторлик диссертацияси ёзяпман. Ростини айтсам, миллий ўзига хосликни теран ифода этувчи Наврўз байрами нишонланишини биринчи кўришим. Бизда бундай улкан байрамлар жуда кам ўтказилади. Мен байрам таассуротларини сўз билан таърифлашга ожизман. Байрамда барча вилоятлар вакиллари, спортчилардан тортиб бошқа касб эгаларигача иштирок этганини кўрдим. Ўзбек халқининг нақадар бой маданиятга эгалигига амин бўлдим.

Лора хоним Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллиги байрамигача юртимизда бўлишини қайд этар экан, суҳбат ниҳоясида ҳар қалай ўз таассуротларини ўзбек тилида бир сўз билан ифодалашга журъат этди: «зўр!».

Дарҳақиқат, Наврўз тантаналари гўзаллиги миллий боғимиз атрофида республикамиз вилоятлари, Тошкент шаҳри туманлари вакиллари ташкил этган халқ ҳунармандчилиги намуналари кўргазмаларида, савдо дўконлари ва чойхоналарининг сайл иштирокчиларига кўрсатаётган турфа хизматларида ҳам намоён бўлди.

Шу куни Наврўз тантаналари пойтахтимизнинг Мустақиллик, Халқлар Дўстлиги майдонларида, Амир Темур хиёбонида, Мирзо Улуғбек, Хадра, Алишер Навоий театри олдидаги майдонларда, истироҳат боғларида ҳам нишонланди. Байрам шодиёналари она диёримизда қадимий анъаналарга биноан бир ой давом этади.

**Амирқул КАРИМ,**
**ЎзА махсус мухбири.**

***(Наврўз байрами вилоятлар ва Қорақалпоғистонда қандай нишонланаётгани ҳақидаги материалларни 2-бетда ўқийсиз).***

